# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 20 июль, № 140 (6575) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

## барқарор иқтисодий юксалишда устувор аҳамият касб этмоқда

*Чорак асрлик мустақил тараққиёт йўлимиз тажрибаси шуни кўрсатаяптики, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳаси мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистонимизда қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилиб, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга устувор аҳамият қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.*




Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди".

Дарҳақиқат, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ўтган қисқа давр ичида миллий иқтисодиётимизнинг ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, саноат ҳамда хизмат кўрсатиш жабҳаларини тараққий эттириш, қисқаси, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди. 2015 йил якунларига кўра, мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 56,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси 12,9 фоиздан 38,9 фоизга, экспортдаги улуши 10,2 фоиздан 26,9 фоизга, аҳолини иш билан таъминлашдаги ҳиссаси эса 49,7 фоиздан 77,9 фоизга етгани бунинг яққол далилидир.

Юртимизда тадбиркорликни йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар яратилгани, айниқса, бу жараёндаги тартиб-таомиллар тубдан соддалаштирилаётгани туфайли кичик бизнес субъектларининг сони тобора кўпайиб, иқтисодиётнинг барча тармоғида самарали иш олиб бормоқда. Натижада ҳозирги кунда республикамиз аҳолисининг ҳар 1000 нафарига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони ўртача 11,1 тани ташкил этаяпти. Бу МДҲ мамлакатларидаги кўрсаткичдан анча юқоридир. Бошқача айтганда, 2000 — 2015 йиллар давомида юридик шахс мақомига эга ишбилармонлик субъектлари сони қарийб 2,2 баробар ошди.

(Давоми 4-бетда).

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Истиқлол йилларида парламентнинг қонунлар ижроси устидан назоратни олиб бориш ҳамда қонуности ҳужжатлари қабул қилинишини мониторинг қилиш амалиётини такомиллаштириш масалалари" мавзуида семинар ўтказилди.

## Қонун ижодкорлиги ва назорат институти

Парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, сенаторлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), вазирлик ҳамда идоралар, Бош прокуратура, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва журналистлар қатнашди.

Маълумки, юртимизда мустақиллик йилларида қонун чиқарувчи ҳокимият тубдан қайта шакллантирилиб, миллий парламентимиз фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Амалга оширилган босқичма-босқич, тизимли ислоҳотлар натижасида дастлаб бир палатали, кейинчалик эса доимий асосда ишлайдиган, профессионал тарзда фаолият юритадиган икки палатали парламент ташкил қилинди.

Семинарда таъкидланганидек, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашида парламент муҳим роль ўйнайди. Бунда эса унинг нафақат қонун ижодкорлиги функцияси, балки давлат органлари фаолияти устидан назоратни олиб бориш билан боғлиқ вазифаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг парламент палаталарининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, конституциявий ислоҳотлар нуқтаи назаридан, Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

### СУРУР

## *Истиқлол таронаси*

Ҳар тонг давлатимиз мадҳияси янграйди. Ҳаприқиб кетаман. Шукроналик ҳислари жўш уради. Кўнгил таскин топади.

Баъзан ўтган даврни эсласам, эрталабдан кимлигинг номаълумлигини англатиб турувчи совуқ оҳанг, аччиқ сўзлар қаттиқ ларзага солгани, умид эмас, қўрқув уйғотгани ёдимга тушади. Шунда мадҳиямизни пичирлаб айта бошлайман. Юрагимга ҳаловат киради, жисму жоним ғайратшижоатга тўлади.

У ҳақиқатан, бахт-нажот, у ҳақиқатан, орзуларимиз қўшиғи.

**Раҳматулла ЎРОЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

## *«Ўзбекистонники!»*

Бу сўз нақадар ёқимли. Бамисли малҳам. Ҳозир инсон учун нимаики керак бўлса, ўзимизда ишлаб чиқарилади. Сифати аъло. Олсангиз, қувонасиз, сира афсус чекмайсиз. Бир вақтлар тузукроқ пойабзал оламан, деб магазинчи танишимга қарийб бир йил олдин пул бериб қўйганим, бироқ "лимит тугаб қолди" деган важу карсонлар билан пойабзал олис ўлкаларда, пулим эса пештахта остида қолиб кетгани бошимдан ўтказган аламли ўтмиш ҳикояларимдан бири бўлиб қолди.

Гапнинг индаллоси, мўл-кўлчилик, фаровонлик ўз қўлимизда экан! Шу боис етказганига шукр, деган ҳикматли сўзнинг нақадар бебаҳо эканлигини бугун чин юракдан ҳис қилаяпман.

**Неъмат РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**
Сирдарё тумани

## «Ўзбекистон изчил ривожланаётган мамлакат эканлиги бутун дунёда ўз эътирофини топмоқда»

Маълумки, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида юксак баҳоларга сазовор бўлмоқда. Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Вьетнам Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фам Ван Фао "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда республикамизда қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

— Ўзбекистон изчил ривожланаётган мамлакат эканлиги бутун дунёда ўз эътирофини топмоқда, — деди элчи жаноблари. — Бу ерда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо қилишга йўналтирилган туб ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ этилаяпти. Айниқса, ўзбек халқи тарихан қисқа давр мобайнида миллий давлатчилигининг мустаҳкам пойдеворига айланган Конституцияси билан ҳар қанча фахрланса, арзийди.

Вьетнамда мамлакатингизнинг ижтимоий-сиёсий соҳаларда эришаётган юксак натижалари ҳақида яхши билишади. Хусусан, 2014 ва 2015 йилларда Асосий Қонунингизда муҳрлаб қўйилган қоидаларга тўла мувофиқ равишда, очиқ-ошкоралик муҳитида ўтган парламент ҳамда Президент сайловлари юртингизда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги тобора ўсиб бораётгани, улар жамиятда рўй бераётган янгиланишларни қўллаб-қувватлаётганини яққол кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан ҳам изчил равнақ топаяпти. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётганига қарамасдан, республикангизда ялпи ички маҳсулот ўсиши барқарор суръатларда сақланмоқда. Дунёда бундай давлатлар бармоқ билан санарли. Бу каби юксак чўққиларга, энг аввало, ислоҳотлар, иқтисодиётни либераллаштириш ҳамда модернизациялаш бўйича узоқни ўйлаб, истиқболни кўзлаган ҳолда, вазминлик билан амалга оширилаётган сиёсат шарофати туфайли эришилаётир.

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан манфаатдор вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлик субъектлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида видеоконференция ташкил этилди.

## Хусусий мулк кафолатини таъминлаш — пировард мақсад

Унда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир қонунчилик ижросини янада самарали таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда хусусий секторнинг жадал ривожланиши ва янги иш ўринларини яратишдаги фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш учун барча ташкилий ҳамда ҳуқуқий асослар яратилган. Энг муҳими, у замон талаби асосида изчил такомиллаштирилаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Фуқаролик жамияти институтлари — тараққиётнинг муҳим омили

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар бугун ҳаётимиздаги улкан янгиланишлар, беқиёс ўзгаришлар, айниқса, юртдошларимизнинг кўтаринки кайфияти, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссида яққол намоён бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятига оид демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ривожлантириш масалалари, унинг асосий тамойиллари давлатимиз раҳбари томонидан мустақиллигимизнинг илк давридаёқ назарий ва концептуал жиҳатдан ҳар томонлама асослаб берилганини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Бинобарин, 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистоннинг яқин ҳамда узоқ истиқболда ўз олдига қўяётган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегиясига айланди.

Ҳар томонлама чуқур ўйланган ва тизимли олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ҳамда гуманитар соҳалардаги ўзгаришлар фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди.

(Давоми 2-бетда).

### ИФТИХОР

## Беқиёс ғамхўрликнинг ёрқин намунаси

Аҳолининг репродуктив саломатлик кўрсаткичи, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқларини таъминлаш учун яратилган шарт-шароит, оналик ва болалик муҳофазаси самарадорлиги ҳамда кўлами давлат ижтимоий сиёсатининг изчиллигини, жамият фаровонлигини белгиловчи мезонлардан саналади.

Эътироф этиш керакки, бугун мазкур соҳада умуммиллий ҳаракатга айланган ислоҳотларнинг тамал тоши мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ қўйилган бўлиб, бу "Ким эдигу ким бўлдик?!" деган эзгу ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасига ёрқин бир мисол бўла олади. Ўша пайтдаги турли иқтисодий-ижтимоий қийинчиликларга қарамай, давлатимиз раҳбари миллат генофондини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласига биринчи галдаги вазифа сифатида эътибор қаратди. "Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир", дея узоқни кўзлади.

Ўтган йиллар давомида бу олижаноб мақсад йўлида ҳаётга татбиқ этилган қатор қонун ҳужжатлари, дастурлар, улар асосида рўёбга чиқарилган комплекс чора-тадбирлар соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

# «Ўзбекистон изчил ривожланаётган мамлакат эканлиги бутун дунёда ўз эътирофини топмоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда ана шу стратегия дунё ҳамжамиятининг ҳақли эътирофига сазовор бўлаяпти. Бозор иқтисодиётининг аниқ ифодаланган асослари, унинг ҳаётга татбиқ қилинаётган механизмлари, яратилган институциявий инфратузилма, замон талабларига жавоб берадиган молиявий тизим Ўзбекистоннинг том маънодаги тарихий ютуқлари ҳисобланади.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб давлат томонидан самарали ва кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу тараққиётнинг "ўзбек модели" узвий қисмидир. Бинобарин, юртингизда оналик ҳамда болалик муҳофазаси энг устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинган. 2016 йил Президент Ислом Каримов ташаббуси билан "Соғлом она ва бола йили" деб номлангани Ўзбекистонда инсон манфаатлари олий қадрият ҳисобланишининг яна бир тасдиғидир. Умуман, чорак аср мобайнида соғлом авлоднинг дунёга келиши ҳамда вояга етказилиши учун барча зарур шарт-шароитни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич бажарилмоқда.

Шу билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш юзасидан республикангизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Бугунги кунда уларнинг бандлик даражаси жуда юқори. Ўзбекистон аёллари юқори малакали мутахассислар сифатида замонавий касбларни ўзлаштираяпти, меҳнатсеварлиги, тадбиркорлиги ҳамда масъулиятни теран ҳис эта олиши боис барча тармоқда катта натижаларга эришишаётир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Айни чоғда динлараро ва маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича ўлкангиз тажрибаси биз учун алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатда барча миллат ва эътиқод вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшайди. Эътиборлиси, бу кўп асрлардан буён маънавий қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келади. Қолаверса, инсонпарварлик ҳамда умуминсонийлик тамойилларига асосланган миллий сиёсатнинг мантиқий натижаси ҳисобланади.

Замонавий Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектидир. У бошқа давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ўз ташқи сиёсатини мустақил равишда олиб бораяпти. Бу суверенитет ва ҳудудий яхлитликка ҳурмат, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш, куч ишлатмаслик ҳамда куч билан таҳдид қилмаслик сингари умуммиқёсда эътироф этилган халқаро меъёрларга муштаракдир. Мамлакатнинг ташқи сиёсий йўли хорижий давлатларда ўзининг кенг эътирофини топгани баробарида, жаҳондаги нуфузини, минтақавий ва халқаро ишлардаги ўрни ҳамда аҳамиятини янада юксалтирди.

Ўзбекистон ҳамда Вьетнам кўҳна анъанавий дўстона алоқаларга эгадир. Кейинги йилларда икки давлат раҳбарлари турли соҳалардаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасида ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият мавжуд. Бизнинг олдимизда ўзаро савдо айланмаси, сармоялар ҳажмини оширишдек муҳим вазифалар турибди. Уларнинг ҳал қилинишида, шубҳасиз, мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон — Вьетнам ҳукуматлараро комиссияси катта ўрин тутади. Халқларимиз манфаатлари йўлида ўзаро ҳамкорлигимиз кўламлари янада кенгайишидан умидворман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан самимий қутлайман, мангу тинчлик, бахту иқбол ва фаровонлик тилайман.

**«Жаҳон» АА.**

# Беқиёс ғамхўрликнинг ёрқин намунаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат бюджетидан соҳага ажратилаётган маблағлар салмоғи йилдан-йилга ошиб бораётгани эса тиббий хизмат сифатини юксалтириб, бу борадаги муваффақиятларни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил бўлаётир. Эътиборлиси, бундай муҳим ютуқлар халқаро миқёсда ҳам тан олинмоқда. Хусусан, репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилган. Мана шу далилнинг ўзиёқ Ўзбекистонда аҳолининг соғлом турмуш кечиришини таъминлаш, оналар ва болалар саломатлигини асраш борасида ибратли тажриба тўпланганини кўрсатади.

Сир эмас, ҳозирги пайтда дунё иқтисодиётидаги беқарорлик, салбий тенденциялар сақланиб қолаётгани ҳатто ривожланган мамлакатларни ҳам бюджет харажатларини оптималлаштириш, бунда биринчи ўринда ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларни қисқартиришга ундаяпти. Мана шундай шароитда юртимизда биргина 2015 йилда соғлиқни сақлаш тизимини равнақ топтиришга Давлат бюджетидан 4,3 триллион сўм йўналтирилгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бу аслида халқ, миллат саломатлигини асраш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликнинг, юксак инсонпарварликнинг ёрқин намунасидир.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида нафақат пойтахтимизда, айни пайтда энг чекка қишлоқларда ҳам давр талабига жавоб берадиган қулайликлар мавжуд. Шу ўринда биз, парламент аъзолари жойларда кенг жамоатчилик билан учрашганимизда, бирламчи тиббий муассасаларда ишлаётган ёш йигит-қизларнинг шижоати, билими ва интилиши диққатимизни тортиб, барчамизда ҳавас уйғотишини таъкидлаш жоиз.

Биз тенги авлод яхши эслайди, собиқ тузум даврида тиббиёт олий ўқув юртини битирган мутахассислар чекка туман ва қишлоқларга боришдан чўчишар, имкон қадар шаҳарлардаги соғлиқни сақлаш муассасаларига йўлланма олишга ҳаракат қилар эди. Негаки, қишлоқ жойлардаги шифо масканларида аниқ ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур шарт-шароит у ёқда турсин, ҳатто тузукроқ тиббий асбоб-ускуна топилиши амримаҳол эди. Бугун-чи?! Бунинг бутунлай аксини кўрамиз: ёш тиббиётчиларимиз замонавий қиёфада бунёд этилган қишлоқ врачлик пунктларида аҳоли саломатлиги йўлида зўр иштиёқ билан хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктларида аҳоли барча қатламига юқори сифатли тиббий хизматлар йўлга қўйилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқаро стандартларга мос ихтисослаштирилган шифохоналар, уларнинг вилоят ва туманлардаги бўлимларида юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ноёб тизими шакллантирилди. Туман ва вилоят даражасидаги соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи оптималлаштирилди. Энг илғор асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳамда малакали кадрлар билан таъминланган ихчам туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари ва поликлиникалари ташкил қилинди.

Юртимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий муассасалар негизида ўнта ихтисослаштирилган республика тиббий маркази ишга туширилди. Она ва бола скрининги, перинатал хизматлар йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси фуқароларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, ирсий касалликлар ва ногиронликнинг олдини олиш, пировардида ҳар томонлама соғлом авлод туғилиши ҳамда вояга етишини таъминлашдек устувор мақсадга хизмат қилаяпти.

Бундан чорак аср олдин ҳатто тасаввурга ҳам сиғмаган бундай ютуқлар мустақиллик шарофатидан, албатта. Чунки халқимизнинг тақдири собиқ марказнинг мустамлакачилик кайфиятидаги раҳбарлар хоҳиш-истагига боғлиқ бўлган ўша оғир даврда оддийгина фельдшерлик пунктини қуриш учун ҳам турли бюрократик тўсиқлар, у ташкилотдан бу ташкилотга югур-югурлар ва сансалорликнинг адоғи йўқ эди. Ёки турли даражадаги юрак хасталикларини даволашда республикамиздан чиққан кадрларга умуман ишонч билан қаралмас, уларга масъулиятли жарроҳлик амалиётлари атайин топширилмасди.

Истиқлол туфайли бундай адолатсизликларга барҳам берилди. Ўтган йигирма беш йил ичида Ўзбекистон тиббиёти ва тиббий мутахассислари жаҳон майдонида ўз ўрни ҳамда нуфузига эга бўлди. Мисол учун, Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг таркибида юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида диагноз қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган кардиожарроҳлик бўлимининг очилиши соҳада эришилган муваффақиятлардан биридир. Марказга энг ноёб тиббий ускуналарнинг келтирилганлиги натижасида илгари жарроҳлик амалиёти 7-8 соатга чўзилган бўлса, ҳозир узоғи билан 1,5-2 соатда энг мураккаб операциялар ҳам самарали тугатилаяпти.

Айни пайтда юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, тиббий хизматни янада юқори босқичга кўтаришга қаратилган ишлар жадал давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси пировардида ҳар бир инсоннинг соғлом ва бахтиёр турмуш кечириши, эртамиз эгалари бўлган болаларнинг соғлом дунёга келиши, жамият таянчи ҳисобланган мустаҳкам оилаларнинг кўпайишига замин яратмоқда.

**Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# Қонун ижодкорлиги ва назорат институти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилда қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бугунги кунда Олий Мажлиснинг парламент назоратини олиб бориш бўйича фаолиятини такомиллаштириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг парламент олдидаги масъулиятини кучайтириш учун қўшимча механизмларни яратишда катта ўрин тутмоқда. Зеро, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда парламент назоратининг субъекти, объекти, шакллари ҳамда бошқа муҳим жиҳатлар ўз ифодасини топган.

Чунончи, парламент назоратининг шаклларидан бири сифатида қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш белгиланди. Бинобарин, Олий Мажлис палаталари қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Қонунчилик палатаси ва Сенат қарорларининг бажарилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганади.

Шу билан бирга, Қонунда парламент назоратининг натижалари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди ҳамда бу бўйича қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш ва ижро этиш юзасидан давлат органларининг мажбуриятлари ўрнатилди.

Семинарда қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, соҳада тўпланган миллий ва хорижий тажриба атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, иштирокчилар янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилинишида Ҳукуматнинг роли ҳамда вазифаларидан хабардор этилди.

Тадбир якунида парламент назоратига оид қонунчиликни ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Фуқаролик жамияти институтлари — тараққиётнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг салоҳиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда фаол иштирок этмоқда.

Ўз навбатида, мустақиллик йилларида юртимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг, айниқса, ННТнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 250 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам ушбу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни ифодалайди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, яратилган ҳуқуқий асослар мамлакатда ННТнинг эркин ва барқарор равнақ топишига олиб келди. 1991 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда 95 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг сони 8417 тани ташкил қилмоқда.

2015 йилда давлат органларининг ННТ билан аҳоли турли қатламларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, эркинлиги ҳамда манфаатларини таъминлаш бўйича ижтимоий шерикликнинг институционал механизмлари янада такомиллаштирилди. Доимий фаолият юритувчи идоралараро комиссиялар ва улар фаолиятига жалб этилган ННТ сони изчил ортиб бораётгани эса жойлардаги долзарб масалаларни ҳал қилишда самарали бўлаётир.

Фуқаролик жамияти институтларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди орқали Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлар муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги 7 йил мобайнида ННТ, ОАВ ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ҳамда дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджети ҳисобидан жами 52 миллиард сўмга яқин миқдорда маблағ йўналтирилгани эътиборга моликдир.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳар йили давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат гранти шаклларида тақсимланади. Муҳими, Жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларидаги ННТнинг сони сезиларли даражада ошди. Шу билан бирга, мазкур Фонд томонидан грант танловлари орқали фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ажратиладиган маблағлари суммаси ҳам ортиб бормоқда. Албатта, бу фуқаролик жамияти институтларининг янада фаоллашувига, ҳудудлардаги долзарб масалаларни ҳал этишда турли давлат органларига муносиб ижтимоий шерик бўлишига замин яратаяпти.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, ННТнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали мамлакатни демократлаштиришдаги иштироки йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Хусусан, 2016 йилда эълон қилинган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини бажаришда ҳам фуқаролик жамияти институтлари фаол қатнашмоқда. Олий Мажлис ҳузуридаги Парламент комиссияси қарори билан танлов асосида ижтимоий шериклик субъектларининг 13 та лойиҳаси давлат ижтимоий буюртмаси шаклида 2,3 миллиард сўмга қўллаб-қувватланди. Ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар доирасида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болалар ва ёшларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, узоқ туманлар, чекка ҳамда чегара ҳудудларда яшаётган аҳоли турли қатламлари орасида эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳамда бундай ҳолатларнинг олдини олиш тўғрисида, соғлом оилани барпо этишда тиббий кўрикнинг аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишлари ташкил қилинади.

Мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларда фаол қатнашган жамоат ташкилотлари вакилларининг давлат томонидан рағбатлантирилиб борилаётгани уларнинг ўз фаолиятини янада самарали ташкил этишларида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, 2010 — 2014 йиллар давомида фуқаролик жамияти институтининг 205 нафар фаоли давлатимизнинг турли мукофотларига муносиб кўрилди.

Жамоат бирлашмалари, турли ННТ бугунги кунга келиб, том маънода, жамият ва давлатимизнинг барқарор тараққиёти, халқимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Улар, аввало, миллий ўзликни англаш, фуқаролик фаолликни кучайтириш ҳамда жамият аъзоларининг юксак маънавиятга эга бўлишлари учун яқиндан кўмаклашмоқда. Шунингдек, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мамлакатимизда демократик қадриятларни, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга астойдил хизмат қилаётгани ҳам эътиборга молик. Буларнинг барчаси истиқлолимизнинг ҳосиласи ҳамда салмоқли натижаларидандир.

**Шуҳрат ЯКУБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

## КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?!

XX асрнинг 70-йиллари. Марзия мактабда ўқиб юрганидаёқ таъсирчан шеърлар ёза бошлади. Ҳамма уни шоира бўлади, деб ўйлар эди. Бироқ не надоматки, ижодиям, истеъдодиям ниҳоллигида хазон бўлди.

# Эрта сўнган истеъдод

Бир куни Марзияни қўллаб-қувватлаб келаётган адабиёт ўқитувчиси унинг тўрт-бешта шеърини туман газетасига олиб боради. Муҳаррир "Чинор соясида", "Тикан гўзал гуллар экан", "Шоҳи рўмол" номли шеърларни яхши кайфият билан ўқийди. Бироқ, "**Ҳур бўл, Ватан!"** деб номланган шеърга келиб, тўхтайди...

Муҳаррир адабиёт ўқитувчисига "вазият"ни "ётиғи билан" тушунтиришга ҳаракат қилади:

— Опа, агар мен бу шеърни газетада нашр этсам, ўзим ҳам "урилиб" кетаман, "ёш авлодни тузумга қарши руҳда тарбиялаганингиз" учун сиз ҳам уриласиз. Шоира қизингизга ҳам жабр бўлади! Ўзингиз ўқиб кўринг, ахир:

***Оппоқ кабутардан олиб иштиёқ,***
***Осмон узра эркин, озод қанот қоқ!***
***Озод замон етиб келсин-у тезроқ,***
***Ҳур бўл, Ватан, самоларга тик байроқ!***

— Биласизми, бу шеърни ўқиган "катталар" нима дейишади? Бор-йўғи, учтагина тўртликдан иборат шеър билан барчамизнинг ёстиғимиз қурийди-ку?! Номига қаранг — "**Ҳур бўл, Ватан!".** Номининг ўзиёқ "тузумга қаршиман", деб турибди-ку?! Яхшиси, бу қизчангиз шеърни йиғиштириб қўйсин. Мактабни битириб, тинчгина "уйли-жойли" бўлиб кетсин!

Устози Марзияга шеъри нега нашр этилмаслигини тушунтира олмади. Унинг ота-онасига учрашиб, шундай деди:

— Ҳозир замон оғир, Марзиянинг ажойиб истеъдоди бор, лекин бу иқтидор унинг бошига етмасин. Шунинг учун уни адабиётдан чалғитинглар, токи шеър ёзишга вақти бўлмасин...

Марзиянинг ота-онаси адабиёт ўқитувчисининг сўзларидан қўрқувга тушишади ва қизлари 8-синфни битириши билан бошқа соҳага йўллашади.

Шукрки, Марзиянинг умидлари армон бўлиб қолмади. Унинг армони мустақиллик туфайли набираси Асрорбек тимсолида рўёбга чиқди. Қалбдаги жароҳатлар битди.

Асрорбек — коллеж ўқувчиси, шеър ёзади. Илк китоби нашрдан чиққан, кўп шеърлари матбуотда эълон қилинди. Марзия опа эса кексалик гаштини суриб, уч фарзанд, ўн набира ва яна элу юрт, давлатимиз ардоғида.

Набираси Гулнора яқинда ёш тадбиркорлар танловида ғолиб бўлди. У ўз ательесини очишга банкдан фоизсиз имтиёзли кредит олди.

Булут бўлмаса, қуёш қадри билинмас, дейишади кексалар. Қора булутлар осмонини қоплаган ўтган кунларимиз — бугунги ва эртанги кунларимизнинг қуёшли, музаффар бўлиши учун бир сабоқ эмасми?

**Шаҳноза ЭШМИРЗАЕВА.**
Сурхондарё вилояти

# Хусусий мулк кафолатини таъминлаш — пировард мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги Фармони асосида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги соҳа тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Ушбу Қонун нормалари ижросини таъминлашда прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юкланган.

Видеоконференцияда прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилаётгани кўрсатиб ўтилди. Жумладан, бу борада 2015 йил ва 2016 йилнинг олти ойи мобайнида ўтказилган назорат тадбирлари давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва бошқа давлат органлари ходимлари томонидан содир этилган 12 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Натижада 1200 нафардан зиёд мансабдор шахслар маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилди, назорат тадбирлари натижаси асосида 250 дан ортиқ жиноят иши қўзғатилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар 9350 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имконини бергани диққатга сазовордир.

Видеоконференцияда юртимизда кейинги йилларда қабул қилинган тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатловчи қонун ҳужжатлари, шу жумладан, давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, юқоридаги қарорга асосан, 194 та "ягона дарча" маркази фаолияти йўлга қўйилиб, уларда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш учун барча зарур шароит яратилган. Ушбу марказлар орқали 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилган бўлиб, фуқаролар уларда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишлари ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур рухсатномаларни олишлари мумкин. Шу билан бирга, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, инженерлик-коммуникация тармоқларига уланиш, бино ва иншоотларни рўйхатдан ўтказиш каби давлат хизматлари ҳам мазкур марказлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам иштирокчиларнинг диққат-эътиборида бўлди. Хусусан, Бош прокуратурада мурожаатларни туну кун телефон орқали қабул қилиш маркази ташкил этилган бўлиб, 34 та вазирлик ва идора билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилган. Мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан электрон назорат тизими жорий қилинган.

Марказга келиб тушган мурожаатларнинг 64 мингдан ортиғи ўз вақтида ҳал этилиб, натижаси бўйича 330 та ноқонуний қарорга нисбатан протестлар келтирилди ҳамда қонунбузилишлар ва уларнинг сабабларини бартараф этиш юзасидан 364 та тақдимнома ҳамда судларга 23,4 млрд. сўмни ундириш юзасидан даъво аризалари киритилди. Қонунбузилишларга йўл қўйган 886 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 402 та жиноят иши қўзғатилди.

Анжуманда айрим давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларга тўсқинлик қилиш, ҳуқуқларини чеклаш ҳамда давлат хизматларини кўрсатишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани танқид остига олинди.

Қолаверса, тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг амалий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилиниб, ушбу йўналишдаги ишларни изчиллик билан давом эттириш, шу жумладан, бу борада аниқланган камчиликларга барҳам бериш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид зарур чоралар кўриш ва таклифлар ишлаб чиқиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Видеоконференцияда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган мингга яқин тадбиркор қатнашди. Уларни қизиқтираётган масалалар бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Мулоқотда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Qishloq Qurilish Bank

Халқимизнинг бугунги турмуш даражаси, яшаш тарзи бундан 25 — 30 йил аввалгисидан ер билан осмонча фарқ қилади. Зеро, истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатларига қаратилган бўлиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар одамларнинг ҳаёт даражасини ошириш баробарида, уларнинг тафаккурида ҳам туб бурилишлар ясамоқда.

Дарҳақиқат, озод юртнинг бахтиёр фуқаролари бугунидан рози бўлиб, эртанги кунга катта ишонч билан боқиб, улкан мақсадлар ила яшаётир. Илгари “қишлоққа бўлаверади” қабилида иш тутиб, уй-жой қуриш, яшаш шароитини яхшилашга унчалик эътибор қаратилмаган бўлса, эндиликда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут тобора камайиб бораяпти. Юртбошимиз ташаббуси туфайли намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар барпо этиш ишлари жадал олиб борилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Натижада мамлакатимизнинг олис ҳудудлари ҳам ободликка юз тутаётир. Бундай эзгу саъй-ҳаракатларда республика тижорат банклари, хусусан, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки фаол қатнашаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

# БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК




Ҳар бир молия муассасасининг барқарор ишлашини кўрсатилаётган хизматлар тури ҳамда сифати белгилаб беради. Шу боис АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси мижозлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, улар сафини иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида фаолият юритувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобига кенгайтиришга жиддий эътибор қаратаяпти. Яъни янги хизмат турларини таклиф қилиш орқали банк хизматлари кўламини кенгайтириш, сифати ҳамда тезкорлигини ошириш мақсадида банк филиаллари сони 42 тага, чакана хизматлар кўрсатиш шохобчалари сони эса 267 тага етказилди. Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк мижозлари 670 мингтадан ортди.

Банкнинг капиталлашув даражаси ва депозитлар ҳажмининг ўсиши актив операциялари ҳажмини кўпайтириш, айниқса, кредитлаш имкониятларини янада кенгайтиришга мустаҳкам замин яратди. Пировардида жорий йилнинг 1 июлига келиб, банкнинг соф активлари ҳажми 4 триллион 861,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Молия муассасасининг 2016 йилги кредит сиёсати талабларидан келиб чиқиб, унинг асосий даромад манбаи ҳисобланган банк активлари ҳажми, таркиби ҳамда даромадлилигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани туфайли кредит қўйилмалари шу йилнинг ўтган олти ойида 4 триллион 258,6 миллиард сўмга етди. Бу йил бошидагига нисбатан 619,8 миллиард сўмга кўпайди, деганидир. Шу билан бирга, банк томонидан иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган кредитлар ҳажмини ошириш, банкнинг инвестициявий фаоллигини янада жадаллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилиб, 1 триллион 89,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиши таъминланди.

Янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини юксалтириш, қисқача айтганда, иқтисодиёт ривожида ҳал қилувчи кучга айланган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, 2016 йилнинг 1 июлига қадар ушбу соҳага банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 114,3 миллиард сўм кўп, жами 450,9 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилди. Бундан ташқари, бизнес фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган юртдошларимизга 132,1 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг тегишли давридагига қараганда 1,4 баробар зиёд эканлиги қувонарлидир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 92,8 миллиард сўмлик кредитлар озиқ-овқат саноати ривожига сарфланди. Бу, асосан, қишлоқ жойларда замонавий, серунум техника воситалари ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни барпо этишга йўналтирилгани, пировардида қўшимча иш жойлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ички бозорни юқори сифатли, арзон маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ажратилган кредитлар 102,5 миллиард сўмликни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 27,2 миллиард сўм кўп бўлиб, у импорт ўрнини босувчи, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги қувватларни ишга тушириш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имконини туғдирди.

Маълумки, юксак маънавиятли, мустақил ҳамда эркин фикрлайдиган, илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган баркамол авлодни вояга етказиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг бош мақсадидир. Шундан келиб чиқиб, банк томонидан эртамиз эгаларининг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бизнесга кенгроқ жалб қилиш мақсадида изчил ишлар олиб борилаяпти. Биргина жорий йилнинг ўтган ойлари давомида коллеж битирувчиларига 11,3 миллиард сўмлик кредитлар берилди.

Умуман олганда, “Қишлоқ қурилиш банк” сармоялари юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ жойларни ободонлаштириш ҳамда кўркамлаштириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, қисқача айтганда, эзгулик ва бунёдкорликка йўналтирилаётир. Бунинг самарасига ҳар қадамда, ҳар жабҳада яққол гувоҳ бўлиш мумкин. Бинобарин, банк мижозларидан айримларининг қуйидаги дил сўзлари, улар қўлга киритаётган ютуқлар ҳам фикримизни тасдиқлайди.

**Феруз МУРОДОВ,**
**“Аквариус Ватер” масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Бухоро вилояти):**

— Юртимизда ишбилармонлар сафи тобора кенгаймоқда. Бу тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш мақсадида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар, яратилаётган имтиёзлар туфайлидир. Масалан, бугунги кунда мустақил бизнес фаолиятини бошлаш учун бошланғич бадални шакллантириш мушкул эмас. Бизнес-режангиз пишиқ бўлса, банклар молиявий томондан ёрдам беришга доимо шай.

Ўзимдан қиёс. Экологик тоза ичимлик суви ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича тайёрлаган бизнес лойиҳамни “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Бухоро минтақавий филиалига тақдим этган эдим. Ҳужжатларим билан яқиндан танишган банк мутасаддилари 400 миллион сўмлик кредит ажратишга қарор қилишди. Маблағ ҳам тез фурсатда берилди. Унга махсус асбоб-ускуналар сотиб олиб, тадбиркорлик фаолиятимизни бошладик.

Ҳозирги кунда кичик корхонамизда етти нафар ёш ишлаяпти. Тайёрлаётган маҳсулотимизга талаб ортиб бормоқда. Йиллик товар айланмаси 1 миллиард 104 миллион сўмга тенг.

Келгусида яна кредит олиб, фаолиятимизни кенгайтириш, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз.

**Шаҳбоз ХОДЖАЕВ,**
**“Mehrobod sabzavotlari” масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Самарқанд вилояти):**

— Кичик бизнес субъектларига яратиб берилган қулай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, 2014 йилда бизнес фаолиятимизни йўлга қўйган эдик. Корхонамиз мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, ишимиз ривожида “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Самарқанд минтақавий филиали томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдам қўл келаяпти. Зеро, ҳар қандай бизнес ғоя моддий тарафдан қўллаб-қувватланмаса, у шунчаки ғоялигича қолиб кетаверади.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида бизнес-режа тузиб, мазкур банк филиалига мурожаат қилгандик. Ташаббусимиз муносиб рағбатлантирилиб, 700 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Натижада қисқа фурсатда мева-сабзавотларни сақлашга мўлжалланган замонавий омборхонани ишга туширишга муваффақ бўлдик. Бунинг эвазига 25 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

Яна кўплаб янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни режалаштирганмиз. Бу борада “Қишлоқ қурилиш банк” ёрдамини аямайди, деган умиддамиз.

**Ғайратжон ЭШОНҚУЛОВ,**
**“Тропик воҳа сабзавот” масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Навоий вилояти):**

— Ишни энди бошлаган пайтимизда фақат бугунги фаолиятимиз қизиқтирар эди. Бироқ даврнинг шиддат билан ривожланиши бизнеснинг истиқболи ҳақида жиддий ўйлашни тақозо қила бошлади. Шу маънода, илғор техника ҳамда технологияларсиз муваффақиятга эришиб бўлмаслигини англаб етиб, иссиқхонамизни тубдан такомиллаштиришни режалаштирдик. Шу мақсадда бизнес-режамизни “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Навоий минтақавий филиалига тақдим этиб, адашмаган эканмиз. Банк томонидан бугунги кунгача жами 250 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бунинг эвазига иситиш тизимини яхшилаш учун махсус замонавий техникалар олиб келиб ўрнатилди. Натижада маҳсулот етиштириш ҳажми янада ортди. Бундан, айниқса, мижозларимиз мамнун.

Истиқболда маҳсулот турини кўпайтириш ниятидамиз. Бунда ҳам, албатта, банк мададига суянамиз.

**Меҳрожхон ЛАТИПОВ,**
**“Latipov Mexrojxon Qosimovich” масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Қашқадарё вилояти):**

— Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар иқтисодиётнинг барча тармоғи, хусусан, озиқ-овқат саноати равнақига ҳам хизмат қилмоқда. Чунки яратиб берилган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган мазкур соҳа вакиллари озиқ-овқат саноатида ҳам муваффақиятли фаолият юритаяпти. Натижада ички бозор хорижникидан қолишмайдиган юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилаётир. Бунда бизнинг кичик жамоамизнинг ҳам, оз бўлса-да, улуши борлигидан доимо ғурурланамиз.

Гап шундаки, 2012 йилда иш бошлаган корхонамиз гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган. Маҳсулотларимизга талаб катта эканлигини инобатга олиб, фаолиятимизни кенгайтиришга аҳд қилдик. Бу борадаги лойиҳамизни “Қишлоқ қурилиш банк”нинг “Кўкдала” филиалига тақдим этиб, молия муассасасининг 430 миллион сўмлик кредитидан баҳраманд бўлдик. Пировардида 12 та қўшимча иш ўрни очилиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажми янада ортди.

Биз, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаб келаётган “Қишлоқ қурилиш банк”дан миннатдормиз.

Кўриниб турибдики, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан пухта кредит сиёсати юритилиб, қишлоқ жойларда барпо қилинаётган замонавий тураржойларни молиялаштириш билан бирга, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантиришга устувор аҳамият қаратилаётир. Натижада юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам мазкур соҳа тобора тараққий топиб, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини ошириш, энг асосийси, аҳоли турмуш фаровонлиги ҳамда ҳаёт даражасини янада юксалтиришда етакчи кучга айланмоқда. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар эса ана шундай эзгу ғояга қаратилгани билан ғоятда қадрлидир.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# Кўп тармоқли фаолият

Гулистон шаҳридаги “Анзиратхон барака файз” масъулияти чекланган жамиятида ясалаётган металл жиҳозлар тури йил сайин кўпаймоқда.

**ИЗЛАНИШ**

Хусусан, яқинда корхона усталари идоралар учун мўлжалланган замонавий стуллар ясашни ҳам ўзлаштирди. Айни чоғда улар буюртмачиларга панжара, дарвоза, сўри каби ўнлаб турдаги буюмларни ўзига хос дизайнда тайёрлаб бермоқда. Бу жараёнда пайвандлашнинг илғор усулидан фойдаланилаётгани маҳсулотлар мустаҳкамлигини таъминлаяпти.

— Фаолиятимиз кўп тармоқли, — дейди жамият раҳбари Акмал Увайдуллаев. — Жумладан, ҳозир шаҳримизда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш жараёнида ҳам фаол қатнашаяпмиз. Шу билан бирга, макарон, нон ва нон маҳсулотларини савдога чиқараяпмиз.

Мазкур тадбиркорлик субъекти жорий йил охиригача яна бир йўналиш — сутни қайта ишлаш тармоғини ташкил этишни режалаштирган.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

IPOTEKA BANK

**АТИБ «Ипотека-банк» танловга таклиф этади.**

Захира электр узатиш линиясини ишга тушириш учун Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уйда жойлашган «Ўзбекистон почтаси» АЖ «Тошкент почтамти» филиали биносидаги юқори кучланишли РП-10 нимстанциясини капитал таъмирлаш бўйича ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилади.

***Таклифлар эълон чоп этилган санадан эътиборан 2016 йил 1 августгача Шаҳрисабз кўчаси, 30-уйда қабул қилинади.***

**Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 150-13-10, (+99890) 176-50-39.**

1069R/500

**«Universal realtor» МЧЖ**

**Қорақалпоғистон Республикаси филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**1.** Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2007 йил 29 октябрдаги 23-0705-11318-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Таза жол» ОФЙда жойлашган, 1978 йилда қурилган 1, 2, 3-сонли молхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 159 041 740 сўм.***

**2.** Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2007 йил 23 июлдаги 23-0702-6256-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Кенес» ОФЙда жойлашган:

* 1972 йилда қурилган устахона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 44 164 075 сўм;***

* 1972 йилда қурилган дала шийпони.

***Бошланғич баҳоси — 1 833 372 сўм.***

**3.** Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2008 йил 28 июлдаги 23-0803/5225-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Камыс Арык» ОФЙда жойлашган:

* 1989 йилда қурилган 1-омборхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 26 638 496 сўм;***

* 1989 йилда қурилган кимёвий моддалар омборхонаси.

***Бошланғич баҳоси — 24 861 182 сўм.***

**4.** Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2008 йил 26 майдаги 23-0807/2281-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Бахытлы» ОФЙда жойлашган, 1980 йилда қурилган устахона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 65 307 982 сўм.***

**5.** Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2007 йил 13 августдаги 23-0703/6903-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани «Кызыл озек» ОФЙда жойлашган, 1970 йилда қурилган маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 10 600 389 сўм.***

**6.** Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2008 йил 28 июлдаги 23-0803/5226-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Бахытлы» ОФЙда жойлашган, 1983 йилда қурилган устахона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 34 288 382 сўм.***

**7.** Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2007 йил 14 июлдаги 23-0803/4236-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Тагжап» ОФЙда жойлашган, 1983 йилда қурилган устахона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 28 893 123 сўм.***

**8.** Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 23-1101/7249-сонли ижро варақасига асосан, Чимбой тумани СИБ томонидан хатланган, Чимбой тумани, «Костерек» ОФЙда жойлашган, 1978 йилда қурилган 37-сонли дўкон биноси.

***Бошланғич баҳоси — 94 380 570 сўм.***

**9.** Қорақалпоғистон Республикаси ФИБ Қўнғирот тумани судининг 2016 йил 18 апрелдаги 172-175-сонли ижро варақасига асосан, Шуманай тумани СИБ томонидан хатланган, Шуманай тумани, «Ак-жап» ОФЙ, Даулетбай аҳоли пунктида жойлашган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 135 806 900 сўм.***

**10.** Қорақалпоғистон Республикаси ФИБ Қўнғирот тумани судининг 2016 йил 18 апрелдаги 176-179-сонли ижро варақасига асосан, Шуманай тумани СИБ томонидан хатланган, Шуманай тумани, «Ак-жап» ОФЙ, Даулетбай аҳоли пунктида жойлашган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 135 806 900 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 19 август куни соат 15.00 да Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уйда ўтказилади. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2016 йил 18 август куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг кўчмас мулк объекти бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204975228007, МФО: 00585, СТИР: 302269399.

**Манзил: Нукус шаҳри,**
**Амир Темур кўчаси, 122-уй, 2-қават, 9-хона.**
**Телефон/факс: (+99861) 222-11-73.**
**www.realtor.uz**
**E-mail: universal.realtor@mail.ru**

1063А/609

Хизматлар лицензияланган.

**Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Аукцион савдолар ўтказиш учун риэлторлик ва бошқа ихтисослаштирилган корхоналарни танлаш бўйича конкурс ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2006 йил 30 сентябрь, рўйхат рақами 1625) билан тасдиқланган Низомга асосан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти суд ҳужжатлари ҳамда бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкларни аукцион савдолари орқали сотиш учун риэлторлик ҳамда бошқа ихтисослаштирилган корхоналарни (кейинги ўринларда — савдо ташкилотчиси) танлаш тўғрисида такрорий конкурс эълон қилади.**

Конкурс мазкур Низомнинг 30-бандига асосан, Сирдарё ва Навоий вилоятлари бўйича кўчмас мулкларни аукцион савдолари орқали сотиш учун риэлторлик ташкилотларини танлаш юзасидан 2016 йил 27 июль куни соат 11.00 да Суд департаментининг марказий аппарати биносида қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқобод 3-тор кўчаси, 2-«А» уй. Мурожаат учун телефон: (0-371) 237-61-84.

Конкурсда қатнашиш учун савдо ташкилотчилари комиссия ишчи органига ариза юборади. Комиссия ишчи органи вазифаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси Солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўлими зиммасига юклатилади.

Ариза ҳамда унга илова қилинадиган ҳужжатлар конкурс ўтказиш тўғрисида эълон чоп этилган санадан бошлаб конкурс ўтказиладиган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 25 июль.

**Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

- аукцион савдоларини ўтказиш учун зарур хоналар ва малакали мутахассис (аукциончи)ларнинг мавжудлиги тўғрисида тегишли ҳужжатлар;
- аукцион ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ миқдори (1 (бир) фоиздан ошмаслиги лозим);
- савдо ташкилотчисининг молиявий аҳволи (банкдан), шу жумладан, солиқ ҳамда бюджетга бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;
- савдо ташкилотчисининг расмий веб-сайтига эга бўлиши ва унда фуқаролар томонидан аукцион савдоларида қатнашиш учун уларнинг аризаларини масофадан он-лайн шаклида қабул қилиш механизми мавжудлиги тўғрисида маълумот.

Талабгорлар мазкур баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Ихтисослаштирилган ташкилотлар автомототранспорт воситаларини сақлаш учун жой ҳамда мазкур жойларнинг сони тўғрисида маълумот тақдим қилиши мумкин.

Риэлторлик ташкилотлари риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхасини, ихтисослаштирилган савдо ташкилотлари эса низом нусхасини (автомототранспорт воситаларини сотиш ваколати кўрсатилган бўлиши керак) тақдим этадилар.

**Комиссия аъзолари талабгорлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги мезонлар бўйича баҳолайди:**

**1)** аукцион савдоларини ўтказиш учун зарур хоналар ва малакали мутахассис (аукциончи)ларнинг мавжудлиги;
**2)** аукцион ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ миқдорининг пастлиги;
**3)** қониқарли молиявий аҳволи;
**4)** автомототранспорт воситаларини сақлаш шароити ҳамда жойларнинг мавжудлиги;
**5)** ходимлар малакаси ва иш тажрибаси;
**6)** расмий веб-сайтдаги фуқаролар томонидан аукцион савдоларида қатнашиш учун уларнинг аризаларини масофадан он-лайн шаклида қабул қилиш механизмининг сифатли ҳамда қулайлиги.

Ҳужжатлар шахсан топширилади, курьер ёки почта хизмати орқали муҳрланган конвертда юборилади.

Конкурс натижалари бўйича баённома имзоланганидан сўнг ўн беш кунлик муддат ичида конкурс ғолиблари ва Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари ўртасида муддатини узайтириш ҳуқуқи билан бир йил муддатга ижро ҳужжатлари бўйича кўчмас мулклар ёхуд автомототранспорт воситаларини аукцион савдоларида сотиш тўғрисида тасдиқланган намунавий шаклдаги шартнома тузилади.

**Қўшимча маълумотларни xurramov@suddep.uz электрон почтаси ва (0-371) 237-61-84 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.**

1038А/469

# ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

## барқарор иқтисодий юксалишда устувор аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш ўринлики, тадбиркорлик ҳаракатининг ривожланиш ҳолати, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча имкониятлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг янада тўлиқ ёритилиши статистик кузатувлар натижаларининг сифатлилиги ҳамда ишончлилиги орқали таъминланмоқда. Бинобарин, статистик кузатувлар шаклларини ва уларни тақдим этиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш давлат статистика органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг самараси ўлароқ, сўнгги йилларда статистик ҳисоботлар тизими сезиларли даражада соддалаштирилиб, уларни тақдим этиш муддатлари мақбуллаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари бу борада муҳим омил бўлаётир. Пировардида статистик ҳисоботларни босқичма-босқич қисқартириш ҳисобига тадбиркорлик субъектлари учун ҳисобот юкламаси сезиларли даражада пасайтирилди. Яъни ҳозирги кунга келиб, статистик ҳисоботлар сони статистик ахборотларнинг тўлиқлиги ҳамда сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда, 2000 йилдагига нисбатан деярли 3 марта қисқартирилди.

Шу билан бирга, идоралараро интеграцияни ривожлантириш ҳисобига статистик кузатувлар тизими янада такомиллаштирилаяпти. Хусусан, 2015 йилдан эътиборан, давлат статистика органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлардан молиявий ҳисоботлар топширилишини талаб этмаган ҳолда, давлат солиқ идоралари билан ташкилотлар молиявий ҳисоботларининг айрим кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар алмашинуви ташкил этилди.

Давлат статистика тизимида тадбиркорлик субъектлари учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар ҳақида гап кетганда, бизнес фаолиятини энди бошламоқчи бўлганларга тақдим этилаётган енгилликларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Гап шундаки, аввалги тартиб бўйича фирма номини захирага қўймоқчи бўлганлар жойлардаги статистика органларига бориб, қоғоз шаклида ариза билан мурожаат қилгач, яна икки иш куни давомида кутишлари лозим эди. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб, бунга ҳожат қолмади. Аризаларни интернет тармоғи орқали кечаю кундуз жўнатиш, атиги 4 иш соати давомида фирма номининг захирага қўйилганлиги тўғрисида маълумот олиш мумкин. Натижада ушбу тизим жорий этилган даврдан то 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига қадар 354 мингдан ортиқ фирмалар номи захирага олинди.

Бундан ташқари, 2015 йилдан тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай бўлган маълумотлар йиғиш тизими амалиётга татбиқ қилинди. Унга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари давлат статистика ҳисоботларини йилда бир маротаба тақдим этишмоқда. Йирик тадбиркорлик субъектлари учун эса илгари амал қилган 5 та ойлик ҳисобот шакллари бирлаштирилиб, ягона такомиллаштирилган давлат статистика ҳисоботи жорий этилди.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари фаолияти тўғрисидаги зарур ва тезкор маълумотлар олинишида танланма кузатувлар тизими кенгайтирилгани айни муддао бўлаётир. Унга биноан, кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар фаолияти ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари бўйича ўрганиб борилаяпти. Фермер хўжаликлари фаолияти юзасидан амалга оширилаётган статистик кузатувларда эса нафақат уларнинг асосий фаолияти натижалари, балки хўжаликнинг ишчи-ходимлар билан таъминланганлик даражаси, молиявий-иқтисодий ҳолати, ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам ўрганилаётгани диққатга сазовор. Чунки олинган мазкур маълумотлар келгусида фермер хўжаликлари фаолиятини янада яхшилашда маҳаллий ва давлат бошқаруви органлари томонидан муҳим қарорлар қабул қилинишида асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Давлат статистика тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига статистик ҳисоботларни тақдим этиш жараёнларини янада енгиллаштираяпти. Бу борада статистик ҳисоботларни интернет орқали электрон тақдим қилиш тизими (eStat 2.0)нинг қўлланила бошланганини алоҳида қайд этиш лозим. Негаки, ушбу тизим орқали барча турдаги давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда кечаю кундуз тақдим этиш имконияти мавжуд. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, тадбиркорлик субъектлари статистик ҳисоботларни ўз офисларида электрон шаклда тайёрлашлари ҳамда тақдим этишлари ҳисобига, қимматли вақтлари ва ортиқча харажатлари тежалади.

Умуман олганда, сўнгги 5 йил давомида давлат статистика органлари томонидан 10 турдаги интерактив давлат хизматлари кўрсатувчи ахборот тизимлари жорий этилди. Бунинг эвазига, Давлат статистика қўмитаси тизими органларининг расмий сайтлари орқали 6 турдаги асосий ҳамда 4 турдаги қўшимча интерактив давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Интерактив давлат хизматлари турларининг кенгайтирилиши тадбиркорларнинг ахборот билан таъминланиш даражасини ошириш, энг асосийси, уларга ўз бизнес фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидаги улуши (фоизда)**




Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика бошқармалари томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муайян чора-тадбирлар кўрилаяпти. Жумладан, "Ишонч телефонлари" ташкил қилинган бўлиб, у орқали келиб тушаётган мурожаатларнинг тезкор, тўлақонли ҳамда холисона кўриб чиқилиши таъминланмоқда. Шунингдек, юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали бўлаётган мурожаатлар ҳам тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципига амал қилинган ҳолда кўриб чиқилаяпти.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтида "Тадбиркорлар учун" махсус рукни ташкил этилгани ишбилармонлар манфаати йўлидаги яна бир қадам бўлди, дейиш мумкин. Сабаби, унда статистика соҳасига оид қонун ҳужжатлари, уларга киритилаётган ўзгартиришлар, тадбиркорларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари, шунингдек, тақдим этиладиган давлат статистика ҳисоботлари шакли, тўлдириш қоидалари каби муҳим масалалар бўйича батафсил ахборотлар бериб борилмоқда. Қолаверса, қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлар, улар учун яратилган қулай шароитларни тадбиркорлик субъектлари кенг оммасига етказиш мақсадида семинарлар, давра суҳбатлари, "Очиқ эшиклар куни" ташкил этиш анъана тусини олган. Биргина 2015 йил давомида 2858 та семинар ва давра суҳбати, 4852 марта "Очиқ эшиклар куни" ўтказилиб, уларда 170 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари қатнашди.

Ҳар йили йиллик статистик ҳисоботларни қабул қилиш даврида Давлат статистика қўмитасида "Call center" ташкил этилаётгани ҳам тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулайликлар яратмоқда. У орқали ҳисоботларни тўлдириш ҳамда тақдим этиш чоғида юзага келаётган саволларга малакали мутахассислар томонидан тезкор равишда батафсил тушунтиришлар бериб борилиши таъминланаяпти.

2016 йилдан бошлаб, тадбиркорлик субъектлари учун яна бир янги электрон хизмат тури яратилди. Эндиликда соҳа вакиллари қайси турдаги статистик ҳисобот шаклларини тақдим этишлари лозимлигини Давлат статистика қўмитаси расмий сайтида ташкил этилган мазкур хизмат тури орқали онлайн усулда билиб олишлари мумкин.

Давлат статистика тизимида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги бу каби чора-тадбирлар, нафақат статистик ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун улардан зарур ахборотларни йиғиш, балки ислоҳотлар натижаларини ёритиб берувчи кўрсаткичларнинг барқарор ўсиб боришини таъминлаш учун тадбиркорларимизга бевосита қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган. Бу эса кичик бизнес вакиллари ва давлат статистика органлари ўртасида ўзаро холис ҳамда ишончли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш асосида амалга оширилаётгани қувонарлидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилаверади. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, "... хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур". Зеро, бундай устувор вазифалар замирида, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, одамлардаги ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш, уларнинг даромадини ошириш, турмуш фаровонлиги ҳамда ҳаёт даражасини юксалтириш каби эзгу мақсад-муддаолар мужассамдир.

**Қобил БЕРДИҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи.**

# Зилол сув «рақси»

## дилларга ором беради

Мингбулоқ туманининг Жомашўй шаҳарчасида барпо этилган "Камолот" аҳоли дам олиш марказининг сўлим хиёбони ҳудуд ёшлари учун муносиб туҳфа бўлди.

**ТУҲФА**

Анвойи гуллар ва манзарали дарахт кўчатлари билан безатилган масканда келажагимиз эгаларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, бу ерда қурилган мусиқали фаввора ёзнинг жазирама кунларида ўзига хос мўътадил иқлим ҳосил қилиб, атрофга салқинлик бағишлайди. Махсус қурилма ёрдамида 35 метр баландликка кўтарилаётган зилол сувнинг мусиқа садоларига мос "рақси"дан диллар ором олади.

— Лойиҳа қиймати 350 миллион сўм бўлган марказ, унинг кўркам хиёбони ёшларимиз учун чинакам сайилгоҳ, қизғин мулоқот масканига айланди, — дейди "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши раҳбари Сардорбек Ғиёсов. — Йигит-қизлар бўш вақтларини фаввора атрофида ўтказишаяпти. Ҳар оқшом маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан намойиш этилаётган бадиий дастур уларнинг ҳордиқ соатларига мазмун бағишламоқда.

Туманда мазкур йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилаётир. Жумладан, энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Жомашўй шаҳарчасининг ўзида яна бешта фаввора қурилиши тугалланиши кўзда тутилган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси
«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси
махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.
махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.




Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.
Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.

Савдо бўлими
Тел.: (+99871) 200-00-27/28.
(+99890) 805-60-52/53.
E-mail: doosansales@uztow.com

Сервис хизмати
Тел.: (+99871) 200-00-26,
(+99890) 189-71-54, 968-71-79.
E-mail: servicedoosan@uztow.com
150R/295

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**
**«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:
- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (0-595) 144-84-04, 170-84-04, (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (0-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй, | (0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (0-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (0-595) 177-06-88 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к., 2-уй | (0-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (0-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй | (0-595) 400-03-79, 400-03-84 (0-373) 554-42-42, (соат 8.00 — 17.00) (0-373) 542-34-17, 542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) (0-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (0-593) 400-40-25 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | (0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони | (0-595) 510-96-99, 510-10-09 (0-367) 227-16-20, (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (0-367) 227-00-44 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (0-595) 510-10-17 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (0-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй | (0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (0-595) 510-95-26 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (0-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 (0-366) 442-68-03, (соат 8.00 — 17.00) (0-366) 442-68-15 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (0-595) 600-12-02, (0-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (0-365) 223-38-37, (0-595) 600-60-15 (0-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (0-595) 601-14-96, 601-11-85 (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 601-11-53, 601-12-29 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-86 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-84 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, Тулей стан-си | (0-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (0-595) 501-11-02, 501-46-36 (0-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш.Темиров к., 4-уй | (0-376) 224-07-65, (0-595) 501-11-07 (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй | (0-595) 505-05-41, 505-02-62 (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **1-Линия техник цехи,** Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй | (0-375) 221-17-25, (0-595) 505-05-23 |
| **2-Линия техник цехи,** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (0-375) 505-05-13, (0-595) 506-81-68 (0-375) 552-11-67 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (0-595) 602-22-18, 602-22-13 (0-362) 223-36-58, |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Садоқат к., 2-«Б» уй | (0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01 (0-595) 610-07-05, (0-436) 224-74-21 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (0-595) 603-33-19, (0-366) 455-24-54 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (0-595) 603-33-25 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (0-595) 603-12-84, (0-436) 593-09-35 |
| **Нурота кабель участкаси,** Нурота ш., Ш. Рашидов к., 32-уй | (0-595) 603-31-32, 610-69-89 |

UZTELECOM
160R/66

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6